

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ  
КАФЕДРАСИ**

Абдурахимов Гофурнинг

**5141900**–Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун «**Мактаб ўқувчилари билан ташкил этиладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш**» мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
1.1. Жисмоний тарбия машғулотларида таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш педагогик муаммо сифатида .....	10
1.2. Таълими замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мавжуд аҳволи .....	29
Биринчи боб юзасидан хулосалар.....	37
<b>II БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШЎУЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>38</b>
2.1. Жисмоний тарбия машғулотларида таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мазмуни .....	38
Таълим жараёнида амалга ошириладиган тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш.....	45
Иккинчи боб юзасидан хулосалар.....	56
<b>УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР .....</b>	<b>58</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>61</b>

### **Муаммонинг долзарблиги ва ишланганлик даражаси.**

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар жамият ҳаётини янгилашда муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти таълим муассасаларида таҳсил оланаётган ёшларнинг билим даражаси ҳамда улар томонидан эгалланган касбий кўникмаларига боғлиқ.

Таълим тизимини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида тарбиялаш учун имкон берувчи, мукамал таълим тизимини яратиш, унинг самарадорлигини ошириш каби масалалар бу соҳадаги ислохотлар асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига мувофиқ жамиятда кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Миллий модел ўз моҳияти билан баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга хизмат қилади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда жисмоний тарбия машғулотларида таълимни самарадорлигини оширишга қаратилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

2005 йил ва ундан кейинги даврларда «...таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, замонавий педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш»га йўналтирилган ижтимоий ҳаракат йўлга қўйилади. Мазкур вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун амалга оширилаётган педагогик тадбирлар доирасида мактабда жисмоний тарбия дарсларини илмий асосда, ижтимоий буюртма доирасида ташкил этиш, замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга эришиш муҳим аҳамият касбга эга.

мактабда жисмоний тарбия дарсларида амалга ошириладиган замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ҳувидаги афзалликларга эга:

- мактаб дарслари демократик, ижодий характер касб этади;

- мактаб ўқувчиларининг ижодий фаолликлари таъминланиб, уларда мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланади;

- мактаб ўқувчиларига берилаётган умумий маълумотлар ҳажмининг асосий қисмини амалий билимлар ташкил этади, уларга назарий маълумотларни тақдим этиш, моҳиятини амалий фаолият воситасида тўлақонли очиб бериш билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади;

- педагог, ишлаб чиқариш устасининг фаолияти фақатгина назарий билимларни етказиб беришдангина иборат бўлиб қолмай, балки ўқувчиларни ижодий фаолиятга рағбатлантириш, мустақил таълим олиш ҳамда фикрлаш кўникмасига эга бўлишларига кўмаклашиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини доимий равишда назорат қилиш, зарур ўринларда тезкор методик ёрдамни ташкил этиш, уларнинг фаолиятлари натижасини объектив баҳолашга йўналтиради;

- ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ўқув предметлари ҳамда муайян мактаб асослари борасидаги назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришга сарфланаётган вақт камаяди;

- Таълимининг самарадорлиги ортади.

мактабда жисмоний тарбия дарсларига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш зарурияти педагогик технологиянинг мазмуни ҳамда анъанавий таълим моҳиятини ўрганиш, таҳлил этиш асосида юзага келади.

Бизга яхши маълумки, анъанавий таълим мазмунини асосан педагог, устанинг бу жараёндаги авторитар мавҳеи, ўқувчиларнинг суст фаолияти асосига қурилган бўлиб, мактабда жисмоний тарбия дарслари учун ажратилган вақтнинг асосий қисми педагоглар томонидан муҳим назарий маълумотларни баён этишга сарфланар, ўқувчиларининг фаоллигини

таъминлашга зарурият сезилмаслигини ифода этарди. Педагог мактаб ўқувчиларининг фаоллигини юзага келтиришга вақт нуқтаи назардан ҳам имкон топа олмас эди. мактаб ўқувчилари фаолиятини назорат қилиш эса ёзма иш ва имтиҳон натижалари асосида баҳоланар эди. Ваҳоланки, ўқувчининг муайян даврдаги фаолиятини маълум вазиятларда акс этган кўрсаткичлар билан баҳоланиши объектив ёндашув эмаслиги педагогик амалиётда тасдиқланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабда жисмоний тарбия дарсларини ривожлантириш юзасидан белгилаб берилган вазифалар бу соҳани давр талаблари асосида такомиллаштиришга хизмат қилади. Айни ўринда замонавий педагогик технологияларни қўллаш, мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб, сифатли, арзон, шунингдек, ташқи кўриниши жиҳатидан бежирим бўлган маҳсулотларга нисбатан эҳтиёж кучаяётган бир шароитда рақобатга бардош бера оладиган технологияларни яратиш кўникмасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини илмий асосда ташкил этиш зарурияти педагогика фани олдида мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва уларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асосларини яратиш вазифасини қўйди.

Америкалик педагог олимлар Боб Кизлик ва Ф.С.Келлер педагогик техника назарияси ғояларини ягона таълим тизимининг муайян босқичига татбиқ этиш борасида муҳим ишларни амалга оширди ва олий ўқув юртлари фаолиятига педагогик технология усулини қўллашнинг индивидуаллаштирилган тизимини яратдилар .

Рус педагог олими В.И.Боголюбов педагогик технология назарияси ғояларини янада бойитиб, педагогик технология назариясининг методологик

асослари хусусида сўз юритган бўлса, М.В.Кларин, В.П.Беспалько, В.Сластенин каби олимлар ривожланган мамлакатларда шаклланган хорижий тажрибалар асосида педагогик технология назарияси ғояларини таҳлил этиш, тушунчаларни илмий жиҳатдан асослашга муваффақ бўлдилар .

Л.А.Бойкова, Л.К.Гребенкина каби олимларнинг тадқиқотларида педагогик технология назариясининг педагогик фаолиятни илмий асосда ташкил этиш, бу борада самарадорликка эришиш, педагоглар маҳоратини оширишдаги аҳамияти каби масалалар ёритилган бўлса, таниқли рус олими И.П.Иванов жамоавий-ижодий фаолиятни ташкил этиш технологиясини яратишга асосий эътиборни қаратди.

Айни вақтда педагогика олий ўқув юртлари ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш имконини берувчи лойиҳалар яратилдики, булар таълим самарадорлигини таъминлаш учун замин ҳозирлайди.

мактабда жисмоний тарбия дарслари билан танишиш, шунингдек, тадқиқот муаммосига доир манбаларни ўрганиш, уларда илгари сурилган ғоялар мазмунини тақлил этиш шуни кўрсатадики, ўқув муассасаларида жисмоний тарбия таълими дарсларига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида етарли даражада тажриба тўпланилмаган. Салмоқли миқдорни ташкил этувчи педагог ходимлар эса мазкур назария моҳиятини тўлақонли англаб етмаганлар. мактабда жисмоний тарбия дарсларининг таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини яратиш, машғулотларнинг пухта ўйланган, илмий асосланган лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларини тадқиқ этиш эътибордан четда қолган. Мазкур ҳолатлар «мактабда жисмоний тарбия дарслари фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг дидактик асослари» мавзусида тадқиқот ишини олиб боришимизга имкон берди.

**Тадқиқот мақсади:** мактабда жисмоний тарбия дарсларига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асосларини яратиш ҳамда мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** мактабда жисмоний тарбия дарсларига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш жараёнининг мазмуни, шакли, методлари.

**Тадқиқотнинг илмий фарази:** агарда:

- мактабда жисмоний тарбия дарсларига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш имкониятлари ўрганилса;

- мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчилари замонавий педагогик технологияларнинг назарий асослари билан куроллантирилса;

- жисмоний тарбия дарслар замонавий педагогик технологияларга таянилган ҳолда амалга оширилса;

- мактабда жисмоний тарбия дарсларида қўлланиладиган таълим воситаларининг мазмунига педагогик технология элементлари сингдирилса мактаб аълими дарсларининг самарадорлиги, шунингдек, ўқувчиларининг билим, кўникма, малакалари ва касбий тайёргарлик даражаси ортади.

**Тадқиқот вазифалари:**

1. Мавзуга оид илмий-педагогик, методик манбаларни ўрганиш асосида мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш долзарб педагогик муаммо эканлигини илмий жиҳатдан асослаш.

2. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини технологиялаштиришнинг мавжуд аҳволи ва педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.

3. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқув ҳамда тарбия фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мазмуни ва йўллари илмий жиҳатдан асослаш.

4. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш методлари, андозаси ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

**Тадқиқот методлари:** назарий тақлил, педагогик кузатиш, анкета, савол-жавоб, суқбат, эксперт бақолаш, педагогик эксперимент, математик-статистик метод.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

1. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш долзарб педагогик муаммо эканлигини илмий жиҳатдан асосланди.

2. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мавжуд аҳволи ва педагогик шарт-шароитларини ўрганилди.

3. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқув ҳамда тарбия фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мазмуни ва йўллари аниқланди.

4. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш методлари, андозаси ҳамда уларнинг самарадорлик даражаси белгилаб берилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти:** Педагогика назарияси курси мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга оид назарий ҳарашлар ва ёндашувлар билан бойитилди. Шунингдек, мактаб таълими дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мазмуни, йўллари, педагогик шарт-шароитлари, методлари белгилаб берилди.



Тадқиқот натижасида мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга оид ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар ва мазкур ўқув юртларида малакали мутахассислар ҳамда баркамол шахсни тайёргарлашга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг методологик асоси:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва асарларида баён этилган мазкур мавзуга оид қараш ҳамда ёндошувлар, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг қарорлари, буйруқлари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Давлат таълим стандартлари, таълим технологияси назарияси, бихеовиоризм ҳамда шахсни шакллантириш ҳақидаги фалсафий, педагогик ва психологик таълимотлар, мавзуга оид илмий-педагогик, методик манбалар.

**БМИнинг таркибий тузилиши:** БМИ кириш, 2 боб, 4 параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Жисмоний тарбия машғулотида таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш педагогик муаммо сифатида

Педагогик технология АҚШ ва Европа мамлакатларида «таълим технологияси» сифатида эътироф этилган назария бўлиб, унинг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, таълим тизимини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш ва бу борада муайян муваффақиятга эришиш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришга ўриниш натижасида вужудга келган. Ушбу ғоя XX асрнинг 30-йилларида мактабда жисмоний тарбия дарсларига «педагогик техника» («таълим техникаси») тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланган. Бу соҳадаги мавжуд адабиётларда «таълим техникаси» тушунчаси ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул, воситалар йиғиндиси дея талқин этилади. Таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллар сифатида ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан унумли фойдаланиш йўллариининг ишлаб чиқилиши, материал мазмунини кўрсатмалар ҳуроллар воситасида ўқувчиларига етказиб бериш кабилар қайд этилади.

XX асрнинг 50-йилларида аудиовизуал воситаларнинг яратилиши ҳамда улар хизматидан фойдаланиш «таълим технологияси»нинг йўналишини белгилаб берувчи омилдир дея баҳоланди. Ушбу босқичда асосий эътибор техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилиши, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ахборот сиғимини ва уларни

узатишни такомиллаштириш ва индивидуал жисмоний тарбия машғулотларида таълимни йўлга қўйиш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилишига қаратилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида таълим фаолиятини аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ғояларига мувофиқ ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. Дастурлаштирилган таълим ўқувчиларига муайян билимларни қисмларга бўлиб тақдим этилиши асосида мактабда жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишни назарда тутди. Дастурлаштирилган таълим мазмунида унинг мақсадлари, баҳолаш мезонлари мактабда жисмоний тарбия дарслари моҳиятининг аниқ тавсифини кўрсатувчи кўрсаткичлар эканлигига алоҳида ўрин ажратилди.

Ривожланган мамлакатларда бу соҳада бой тажриба тўплангандир. Педагогик технологиялар моҳиятини тўлақонли англаш учун мазкур иборанинг луғавий маъносини тушуниб олиш тақозо этилади. «Технология» юнонча сўз бўлиб, «techne» - маҳорат, санъат ва «logos» - тушунча, таълимот, фан маъносини англатади.

“Таълим технологияси” иборасининг маъноси - (инглизча “An educational technology”) мактабда жисмоний тарбия дарсларини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Фойдаланишга топширилаётган жисмоний тарбия дарсларисамарадорлигини ошириш таълим-тарбия жараёнини давр талаби даражасида замонавий педагогик технологиялар, техник ҳамда ахборотли воситалар билан қуроллантиришни тақозо этади. жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мазкур жараённинг назарий-амалий қирраларини тадқиқ этиш, махсус ишланмалар ёки тавсияномаларнинг яратилишини талаб этади. Ана шу эҳтиёждан келиб

чиққан ҳолда янги педагогик технология назарияси, унинг моҳияти таълим технологияларини ўқув муассасалари, шу жумладан, мактабда жисмоний тарбия дарсларига татбиқ этиш муаммосининг қай даражада ўрганилганлигини тадқиқ этиш мақсадида мавзуга оид яратилган манбалар моҳияти билан танишиб чиқдик.

Амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, муаммога оид манба сифатида танланган мавжуд адабиётларнинг 90 % и педагогик технологиялар ва уларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Қуйида уларнинг мундарижаси хусусида қисқача сўз юритамиз.

В.П.Беспалько томонидан яратилган «Слагаемые педагоги-ческой технологии» асарида батафсил равишда педагогик технология назариясининг моҳияти, мазкур назариянинг шаклланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилган бихевиоризм таълимоти, ПТ назариясининг шаклланиш тарихи, ўқув жараёнининг моҳияти, ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, педагогик технологиялар самарадорлигини аниқлаш ва ҳоказо масалалар юзасидан сўз юритилиб, асосий урғу таълим технологиясининг моҳиятини очиб беришга қаратилади.

Узоқ йиллардан буён ушбу назария ва унинг моҳияти юзасидан тадқиқотлар олиб бораётган педагог олим В.П.Беспалько «таълим технологияси» тушунчасини «амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси» дея таърифлаган бўлса, Н.Ф.Талўзина «фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методларни ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан» эканлигига эътиборни қаратади.

В.В.Кларин томонидан яратилган «Педагогическая технология в учебном процессе» номли асарда В.П.Беспалько томонидан баён этилган мулоҳазалар тўлдирилиб, педагогик технологияларнинг мактабда жисмоний тарбия дарсларига татбиқ этиш шарт-шароитлари борасидаги қарашлар

илгари сурилади. В.П. Беспалько ва М.В.Кларинларнинг тадқиқотларида «педагогик технология» тушунчасига таъриф берилган.

Б.Лихачев таълим технологияси тушунчасининг моҳияти «психологик педагогик ўғитлар йиғиндиси» ни англатишини қайд этган бўлса, В.И.Шепель Б.Лихачевнинг «шакл, метод, усул, ўқитиш йўллари ҳамда тарбиявий воситалар мажмуи» дир деган фикрини қўллаб-қувватлайди .

Ўз навбатида, В.М.Монахов В.П.Беспальконинг қарашларига қўшилган ҳолда таълим технологияси «ўқувчи ва ўқитувчиларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаш, ташкил этиш, ўқитиш бўйича уларнинг педагогик фаолиятини ҳар томонлама пухта ўйланган андозаси» эканлигига урғу беради.

«Аксиоматический подход к проектированию педагогической технологии» номли илмий ишида В.М.Монахов лойиҳаланган педагогик технологияларга нисбатан аксиоматик ёндашув моҳияти тўғрисида тўхталар экан, «педагогик технология-ўқув жараёнини технология-лаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён барқарорлигини ошириб, бу жараён иштирокчисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади» деган фикрларни илгари суради.

Инглиз олимлари К.Томас ва Скиннерлар ўз тадқиқотларида дастурлаштирилган таълим моҳияти, истиқболлари юзасидан фикр билдириб, унинг афзалликларига тўхталиб ўтади. Улар дастур-лаштирилган жисмоний тарбия машғулотларида таълимнинг қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар:

- дастлабки босқич муайян фан бўйича берилган мавзуларни ўрганишда уларни мумкин қадар кичик қисмларга бўлиш;

- иккинчи босқич (жавобни тезкор баҳолаш) ўқувчи томонидан берилган жавобнинг ҳаққонийлигини аниқлаш (бунда ўқувчининг жавоби ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган жавоб билан таққосланади);

- мактабда жисмоний тарбия дарсларини тайёрланган дастур мазмунига мослаштириш (бунда мактаб ўқувчиларининг материаллар мазмунини ўзлаштириш даражалари ҳисобга олинади);

- топшириқларнинг аста-секин мураккаблашиб боришига эришиш;

Инглиз олими К.П.Марквордт таълим технологияларининг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштирилувчи билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланишини таъкидлайди. Бунда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси: таълим олувчиларнинг мактабда жисмоний тарбия дарсларидаги хатти-ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган хатти-ҳаракатларга тўла мос келади;

- ўхшаш амалиёт қоидаси: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатлари ни ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;

- натижаларни аниқлаш қоидаси: таълим олувчига унинг ҳар бир хатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилиш жараёнида риоя этилади;

- рағбатлантириш қоидаси: ўқувчининг мақбул хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб бориш, педагогик фаолият жараёнида ўқувчи томонидан содир этилган салбий хатти-ҳаракатлар учун унга танбеҳ берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан «яна бир марта уриниб кўр», «янада чуқурроқ ўйлаб кўр», «масалани ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр» ва ҳоказолар.

Инглиз олими Б. Блум таълим технологияси мазмунида таълим мақсадининг аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда мактаб ўқувчилари томонидан ўзлаштирилган назарий

билимларни аниқлаш мақсадида тест топшириқларини ишлаб чиқиш жараёнида мақсадни оидинлаштиришга хизмат қилувчи таксономияни ишлаб чиқади. Таксономия муайян объектларни уларнинг ўзаро табиий боғланишлари асосида таснифлаш ва тизимлашдир.

Б.Блум томонидан асосланган таксономия муайян фан ёки ўқув курси асосларини ўзлаштириш бўйича мақсадни оидинлаштиришга хизмат қилувчи феъллар куйидагилардан иборатдир:

Билиш:	айтмоқ	танимоқ
	маълумот бермоқ	ажратмоқ
	ёзмоқ	такрорламоқ
	ёзиб қўймоқ	тасвирламоқ
	қайта ишлаб чиқмоқ	гапириб бермоқ
Тушуниш:	тушунтирмоқ	айлантирмоқ
	белгиламоқ	кўрсатмоқ
	алмаштирмоқ	очмоқ
	далил келтирмоқ	ўтказмоқ
	оидинлаштирмоқ	шарҳламоқ
Қўллаш:	ўргатмоқ	белгилаш
	намойиш этмоқ	аниқлаш
	фойдаланмоқ	ечиш
	ҳисоблаб чиқмоқ	рўёбга чиқариш
	жорий этмоқ	жорий этиш
Анализ:	чиқариш	бўлиб чиқмоқ
	ажратиш	тақсимлаш
	табақалаштириш	олдндан айтиш
	таснифлаш	текшириш
Синтез:	режалаштириш	лойиҳалаштириш
	ишлаб чиқиш	тузиш
	умумлаштириш	бирлаштириш

бирлаштириш	тизимлаштириш
ихтиро қилмоқ	яратиш
Баҳолаш: ўлчамоқ	назорат қилиш
исботламоқ	солиштириш
асослаш	таққослаш
маъқуллаш	текшириш
	баҳо бериш

- мактаб ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини таълим олиш давридаёқ бўлажак касбий фаолият характери ва тузилмасига яқинлаштириб бориш .

В.Ю. Питюков томонидан амалга оширилган тадқиқот ишида педагогик технология асослари, унинг тарихий илдизлари, унсурлари ва моҳияти, педагогик технология назариясининг ривожланиши истиқболлари каби масалаларининг очиб берилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, педагог олимлар Д.Ш.Матрос, Д.М.Полев ҳамда Н.Н.Мельниковалар томонидан янги информацион технологиялар ва таълим мониторинги воситасида таълим сифатини бошқариш, педагогик ва психологик мониторинг ҳамда уларнинг моҳияти, шунингдек, мактабда жисмоний тарбия дарслари натижаларини башоратлаш муаммолари кенг тадқиқ этилади.

ЮНЕСКО ташкилоти ҳам ушбу тушунчага нисбатан ўзига хос ёндашади, хусусан, «...таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир» .

Сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан ҳам таълим технологияси назариясига оид бир қатор мақола, рисола ва қўлланмалар яратилди. Хусусан, педагог олим М.О. Очилов мазкур иборани «Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шакллари кулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон



салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир» дея шарҳласа], Н.Саидахмедов эса қуйидагича: «Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни», - деган таърифни беради.

Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар эса «педагогик технология» тушунчанинг моҳиятини қуйидагича ифодалайдилар: «педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир» .

Б.Фарберман, М.О.Очилов, Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан ҳам педагогик технология назарияси ва унинг моҳияти ўрганилгандир. Чунончи, Б.Фарберман ҳамда М.О.Очиловлар жисмоний тарбия машғулотларида таълимни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашув, ўқув ва тарбиявий фаолият мақсадларининг назорат (тест) топшириқларига айлантириш, жисмоний тарбия таълими дарсларида педагогик технологияларни қўллаш борасида фикр юритсалар, Ў.Қ.Толипов томонидан олиб борилган тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлашга йўналтирилган фаолиятни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш масаласининг моҳиятини ёритишга кенг ўрин ажратилади.

Ў.Қ.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан яратилган асарда педагогик технологиянинг назарий асосларини амалий педагогик фаолиятга татбиқ этиш масаласи ўрганилган. Шунингдек, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишнинг амалий асосларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Файласуф олимлар Б.Зиёмухаммедов ва Ш.Абдуллаевалар томонидан яратилган «Янги педагогик технология: назария ва амалиёт» номли асарда «Маънавият асослари» дарсларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш масалалари очиб берилган бўлиб, бу борадаги бир қатор ишланмалар китобхонларнинг эътиборига ҳавола этилган.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда шундай хулосага келишимиз мумкин:

1. Педагогик технология ва унинг моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи манбаларнинг аксариятида ушбу ҳодисанинг назарий асослари батафсил очиб берилган.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларнинг аксариятида «педагогик технология»нинг таърифи ҳам ёритиб берилган бўлса-да, бу соҳада ҳануз ягона бир таъриф яратилган эмас.

3. Мавжуд адабиётларнинг деярли барчасида асосий урғу таълим технологиялари уларнинг моҳияти ва афзалликлари каби масалаларнинг тадқиқига берилган бўлиб, тарбия технологиялари ва уларнинг моҳиятини очиб бериш борасида муайян ютуқларга эришилмаган.

4. Яратилган манбаларда узлуксиз таълим тизимининг маълум босқичида таълим муассасалари фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш (педагог олим Ў.Қ.Толипов томонидан олиб борилган тадқиқот иши бундан мустасно) муаммолари тадқиқ этилмаган.

5. Айни вақтда узлуксиз таълим тизимининг тизимининг муайян босқичида таълим муассасалари, шу жумладан, мактабда жисмоний тарбия дарслари, ўқув фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтождир.

Юқорида келтирилган фикрлардан англашиниладики, «педагогик технология» тушунчаси ўзида мактабда жисмоний тарбия дарсларини

ташкилий-методик мажмуалар ёрдамида ташкил этиш ва бу жараёнда муайян ютуқларга эришиш мумкинлигини ифодалайди. Педагогик технологиялар анъанавий таълим шакл ва методларидан фарқли равишда педагогик фаолиятни олдиндан лойиҳалаш, мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш, ўқувчи, мактаб ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши назарда тутилаётган билим, кўнгикма ва малакалар даражасини ташҳислаш, таълим самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш каби ҳаракатларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Мактабда жисмоний тарбия дарсларинг мақсадини аниқ ва пухта белгиланиши яхлит педагогик фаолият муваффақиятини таъминлашга пойдевор яратади. Мактабда жисмоний тарбия дарсларининг мақсади ДТС, ўқув режаси ва дастури, шунингдек, дарслик ва қўлланмалар мазмунида ўз ифодасини топган маълум мавзулар ҳамда ўқув фанининг ўзига хос жиҳатлари, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, эҳтиёж, кизиқишлари, педагогларнинг билими, касб маҳорати, ижодий лаёқати педагогик вазиятларни инобатга олиш асосида белгиланади.

Педагогик фаолиятнинг мақсади аниқ, пухта, шунингдек, ташҳисланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу қуйидаги ҳолатларни вужудга келтиради:

а) шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳияти шундай аниқ ва равшан ифодаланадики, натижада ҳосил бўладиган интеллектуал-ахлоқий сифатларини ўқувчи ёки ўқувчининг бошқа хислатларидан фарқлай олиш имконияти яратилади;

б) шахснинг ташҳисланган маънавий-ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳиятининг шаклланадиган даражасини ҳаққоний назорат қилишга йўналтирилган аниқ усулларнинг мавжудлиги таъминланади;

в) шахснинг аввалдан ташҳисланган сифатларини аниқлашга йўналтирилган назорат унда ҳосил бўлган ақлий-ахлоқий сифатлар даражасини белгилабгина қолмай, балки педагогик фаолият самарадорлигини ҳам аниқлайди;

г) ташҳислаш мақсади доирасида шахснинг ақлий-ахлоқий сифатлари дражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларга таянган ҳолда фаолият олиб бориш шахс билим, кўникма ва малакаларининг сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар мавжуд бўлади.

Педагогик фаолиятни ташҳислаш бир неча босқичларда олиб борилиб, ушбу босқичларнинг ҳар бирида маълум вазифалар ҳал қилинади. Педагогик фаолият жараёнини лойиҳалаш қуйидаги босқичлардан иборат:

1) Муайян ўқув предмети мундарижасидан ўрин олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни йиғиш, уларнинг мазмунини ўрганиш, асосий ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ва яхлитлаштириш каби вазифалар бажарилади;

2) Маълум ўқув предмети таркибига кирган мавзу ёки фаолият мазмуни юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаб олиш, ушбу мақсад доирасида кичик бўлим ёки бандлар бўйича хусусий мақсадларни ҳам аниқлаш, педагогик фаолият юзасидан умумий мақсадга эришиш йўлида ижобий ҳал этилиши тақозо қилинадиган вазифалар ишлаб чиқилади. Мазкур босқич натижалари ҳамда самараси хусусий мақсадларнинг умумий мақсад доираси аниқ ва пухта белгиланишида акс этади.

3) Муайян ўқув предметининг маълум мавзуси ёки фаолият юзасидан белгиланган мақсад ва вазифаларга таянган ҳолда мавзу бўйича ташкил этиладиган машғулот ёки фаолият (фаолиятни йўлга қўйиш сценарийси) мазмуни ишлаб чиқилади. Мавзу бўйича олиб бориладиган машғулот ёки фаолият мазмунида уларнинг яхлит моҳиятини ифода этувчи назарий ва амалий билимлар ташкил қилади. Шунингдек, машғулот ёки фаолият мазмунида мактаб ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми ҳам ўз аксини топиши лозим. Ушбу ҳолатларнинг машғулот ёки фаолият мазмунида акс этиши учинчи босқич самарасини белгилайди.

4) Машғулот ёки фаолият мазмунининг тўлақонли очиб берилишида муҳим ўрин тутадиган шакл, метод ва воситаларни танланади. Ўқитиш фаолияти шакли, метод ҳамда воситаларининг унинг муваффақиятини таъминлашдаги аҳамиятини назарда тутган ҳолда танланиши мақсадга мувофиқдир. «мактаб ўқувчиларини ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юртишга йўналтира олувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг танлай олиниши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс-мунозарага бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина мактаб ўқувчилари ташаббусни ўз кўлларига оладилар, таълим берувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл- йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолашдан иборат вазифаларгина қолади» .

5) Муайян ўқув фани мазмунидан ўрин олган мавзу бўйича ёки фаолият юзасидан мактаб ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши талаб этиладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши учун сарфланадиган вақт ҳажми белгиланади; белгиланган вақт ҳажми назарий билим ҳамда амалий фаолият кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун хизмат қилиши лозим; мактаб ўқувчилари зўриқишларининг олдини олиш мақсадида вақтнинг оқилона белгиланиши муҳимдир;

6) Ўзлаштирилган назарий билимларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, амалий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берадиган машқ, топшириқлар тизими ишлаб чиқилади; уларнинг самарадорлиги ушбу босқичнинг якуний натижасини белгилаб беради; машқ ва топшириқлар мавзу доирасида бўлиб, бир-бирини тўлдириши, ўзаро боғлиқ ва алоқадорлик хусусиятларини намоён эта олиши керак;

7) Таълим берувчи томонидан ўқувчининг яхлит фаолиятлари, яъни назарий билимлари ва амалий кўникма ҳамда малакаларни ўзлаштириш ва кўллаш даражасини назорат қилиш мақсадида унинг шакл, метод ва

воситаларини аниқланади; булар машғулот ёки фаолият мазмуни, йўналиши, шунингдек, бош ғояси моҳиятининг мактаб ўқувчилари томонидан уларнинг қай даражада ўзлаштирилганлигини батафсил очиқ беришга хизмат қилиши лозим;

8) Ишлаб чиқилган лойиҳани фаолият жараёнига амалий жиҳатдан татбиқ этилади.

Ўқитиш жараёнини лойиҳалашга нисбатан технологик ёндашувнинг муҳим хусусияти унинг изчилликка эгалигида намоён бўлади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаш, яхлит жараёни қисмларга ажратиш, мактабда жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида юзага келувчи муносабат мазмунини такомиллаштириш, ижодий кайфиятни қарор топтириш, техник ва ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш каби муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Таълим муаммоларини ижобий ҳал этишга йўналтирилган педагогик технологиялар қуйидаги тамойилларга таянади:

1. Яхлитлик тамойили. Мазкур тамойил мазмунида қуйидаги икки жиҳат акс этади: таълим ва шахс камолотининг бирлиги; педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги.

2. Асослилик тамойили. Ушбу тамойил муайян ўқув фанлари ёки фаолият ўзининг негизини ифодаловчи тушунчалар, бош ғояси ҳамда маълум асосларига эга эканлигини ифодалайди.

3. Ижтимоий маданият тараққиёти билан уйғунлик тамойили. Айрим адабиётларда ушбу тамойил маданиятни англаш, маданий ҳаётнинг ривожланишига нисбатан мувофиқлик тамойили тарзида қайд этилган бўлсада, мазмун жиҳатидан ягона фикрни ифода этади. Мазкур тамойилнинг моҳияти таълим фаолияти ижтимоий жамият ривожини, маданий тараққиёти даражасини, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмуни ва ғоясидан келиб чиқиб белгиланишини ифодалашга хизмат қилади.

4. Мактабтаълимини инсонпарварлаштириш тамойили. Ушбу тамойил мактабда жисмоний тарбия дарсларининг шахсга таълим бериш, уни ривожлантиришни ифодалайди. Бошқача айтганда, «...инсонпарварлаштириш - бу инсоннинг жамият билан боғлиқ барча муносабатлари жараёнида инсон омили унинг кадр-қиммати, шаъни, орномуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланган фаолият жараёни бўлиб, инсонпарварлаштириш барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун» деган ғоя асосида ташкил этиладиган фаолият жараёни эканлигини англатади.

5. Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил ҳам ўзида қуйидаги икки жиҳатни ифодалайди: ҳар бир ўқитувчи ўз соҳасида мактаб ўқувчиларини жалб этган ҳолда тадқиқот, ижодий изланиш олиб бориши лозим; ўқитувчи фаолият технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва унинг мазмунига тузатишлар киритади, бевосита амалиётга татбиқ этади.

6. Ўқитиш фаолиятининг узлуксизлиги. Ушбу тамойил мактабда жисмоний тарбия дарслари мактаб ўқувчилариига назарий билимларни бериш, уларда амалий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилишни узлуксиз равишда ташкил этиш лозимлигини англатади.

7. Фаолиятли ёндашув тамойили. Мазкур тамойил назарий-амалий фаолиятнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди.

Педагогик технология назарияси учун юқорида баён этилган тамойиллар билан бирга қуйидаги қонуниятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади:

- мактабда жисмоний тарбия дарсларини оптималлаштириш қулай шарт-шароит яратиб, оз вақт ва кам куч сарфлаб, педагогик фаолиятни амалга оширишда қулай натижаларга эришиш;

- педагогик фаолиятга фан-техниканинг янги ютуқлари, шунингдек, дидактик қонуниятларни татбиқ қилиш, таълим мазмунини узлуксиз, изчил ва мақсадга мувофиқ равишда янгилаб бориш;

- мактабда жисмоний тарбия дарсларининг моҳияти, илгари сурилган мақсад ва вазифаларнинг ижобий ечимини таъминлашга хизмат қилувчи шакл, метод ва воситалардан самарали фойдаланиш, педагогик мулоқот жараёнининг илмий асосларини ўрганиш, тадқиқ этиш, доимий ижодий изланишда бўлиш;

- мактабда жисмоний тарбия дарсларининг субъектлари (ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчи) фаолияти, улар ўртасидаги муносабатни оқилона ташкил этиш, ўқитувчи томонидан педагогик фаолият жараёнининг умумий манзарасини кўра олиш, вазиятларнинг тўғри баҳоланишга эришиш;

- ўқувчи педагогик фаолият жараёнининг фаол, етакчи субъектига айланиши, ўз имконияти ва иқтидорини эркин рўёбга чиқара олиш лаёқатига эга бўла олиши;

- педагогик фаолиятни жадаллаштириш, шу мақсадда ахборот технологиялари хизматидан фойдаланиш;

- педагогик фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган моддий-техник базани вужудга келтириш;

- педагогик фаолият натижаларининг холис баҳоланиши;

- мактаб ўқувчиларининг назарий билимлари ҳамда амалий кўникма ва малакалари, шунингдек, педагогик технологиялар самарадорлигини баҳолашни автоматлаштириш ва ҳоказолар.

Таълим технологиялари доирасида янги ўқув материалининг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишига муҳим аҳамият қаратилади. Ўқув материални ўзлаштириш муайян фан асослари ёки мавзу юзасидан керакли маълумотларни олишдангина иборат бўлмай, балки шахс дунёқараши, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун хизмат қилиши лозим. Таълим технологиясида ўқув материални ўзлаштириш бир неча босқичдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1-даража: мактаб ўқувчиларига муайян топшириқ ёки масалани ечишдан кўзланган мақсад, ҳал этилиши лозим бўлган вазият ва ҳаракат йўналиши



кўрсатилади. Ўқувчи тавсия этилган топшириқ ёки масалани объект, вазиятлар, уларни содир бўлиши ва бартараф этилиши, шунингдек, ҳаракатлар моҳияти ҳақидаги аввал ўзлаштирилган ахборотларни ёдга олиш асосида ҳал қиладилар. Ўқув материални ўзлаштиришнинг ушбу босқичи бошланғич даража ҳисобланади.

2-даража: ўқувчига муайян топшириқ, масала бўйича унинг мақсади ва вазият моҳияти ҳақида тушунчалар берилиб, ундан масалани ижобий ҳал этишда аввал эгалланган билимларни қўллаш талаб қилинади. Бу ўқув материални ўзлаштиришнинг алгоритмик босқичи ҳисобланади.

3-даража: ўқувчи эътиборига топшириқ ёки масалани ечишдан кўзланган мақсадгина ҳавола этилиб, уни ҳал этиш вазияти хусусида маълумот берилмай, топшириқни бажариш жараёнида вазиятни аниқлаш ҳамда аввал ўзлаштирилган билимларни қўллаш талаб этилади. Ўқувчининг фаолияти тайёр алгоритм ёки қоидага мувофиқ бажарилмайди, балки топшириқни бажариш юзасидан амалга оширилаётган ҳаракат жараёнида ўзлаштирилган қоидалар ёдга олинади ва улар асосида топшириқнинг ижобий ечими таъминланади. Бу босқичда ўқувчининг мутақил фаолият юритиши таъминланади. Шу боис, ушбу даража эвристик даража деб юритилади.

4-даража: ўқувчига масала, топшириқни бажаришга йўналтирилган фаолият мақсади умумий ҳолда тушунтирилади, мақсадни амалга ошириш учун энг мақбул вазиятни белгилаш ва ҳаракатни амалга ошириш талаб этилади. Бу босқич ижодий хусусият касб этиб, ўқувчи топшириқни бажариш жараёнида ҳаракатнинг янги қоидасини яратади, ижодий изланиш олиб боради. Ушбу босқич ижодий фаолиятни ташкил этиш босқичи ҳисобланади.

Ўқув материални ўзлаштириш жараёнида юқорида қайд этилган босқичларнинг қуйидан юқори даражага тадрижий ўсиб бориши орқали унинг мактаб ўқувчилари томонидан ўзлаштирилишига эришиш мақсадга

мувофиқдир. Бинобарин, бугунги куннинг талаби мустақил равишда билим олиш, ижодий қобилиятни ўстиришдан иборатдир.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, замонавий педагогик технологияларнинг марказида ўқитувчи ҳамда ўқувчи ўртасидаги мулоқотга асосланган фаолият туради. Анъанавий таълим технологиясидан фарқли равишда ушбу фаолият жараёнида ўқувчи етакчилик ролини бажаради. Ўқувчининг ўқув-билув жараёнидаги етакчилиги қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этиш имконини беради:

1) ўқувчида назарий билимлар ҳамда фаолиятни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж ҳамда рағбатни қарор топтириш;

2) назарий билимлар ҳамда фаолиятни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни вужудга келтириш;

3) уларда мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;

4) мактаб ўқувчиларининг фаоллигини таъминлаш;

5) мактаб ўқувчиларида мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимларнинг моҳиятини таҳлил этиш, англаш, улар хусусида маълум хулосалар чиқариш, умумлаштириш ва уларни амалий фаолиятга татбиқ этиш борасидаги кўникмаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш;

6) ўз фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш лаёқатини қарор топтириш.

Педагогик технологияларни таълим амалиётида қўллаш билан бирга уларнинг самарадорлигини ҳам баҳолашга алоҳида аҳамият бериш керак.

Педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари педагогик фаолиятни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг натижаланганлик даражасини аниқлашга имкон беради. Шу мақсадда замонавий педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Замонавий педагогик технологияларни лойиҳалаш ва уларни қўллаш босқичида баҳолаш.

2. Замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилган таълим натижаларини баҳолаш.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълими тизими амалиётида замонавий педагогик технологиялардан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада бир қатор самарали ишлар олиб борилмоқда. Бироқ шуни ҳам қайд этиш керакки, замонавий педагогик технологияларни таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳали кенг тус олмаган. Айни вақтда бу соҳада муайян муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги муаммолар мавжуд эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдик:

1. Замонавий педагогик технологиялар, шунингдек, таълим технологияси назариясининг моҳияти, унинг назарий ва амалий асослари борасида маълумотлар беришга хизмат қилувчи манбалар, махсус адабиётларнинг етарли эмаслиги.

2. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, мактабда жисмоний тарбия дарслари педагогларининг мактабда жисмоний тарбия дарсларига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида етарли тажрибасига эга эмасликлари.

3. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, мактабда жисмоний тарбия дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш учун аксарият ҳолларда моддий-техник базанинг мавжуд эмаслиги.

4. Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар марказлари, шунингдек, иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланган шаҳарлар миқёсида таълим муассасаларининг педагог ходимлари ўртасида янги педагогик технология назариясининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи амалий фаолиятлар ташкил этилаётган шароитда чекка туман, овул ва қишлоқларда жойлашган таълим муассасаларининг ходимлари учун бундай шарт-шароитнинг яратилмаганлиги.

5. Оммавий ахборот воситаларининг хизмати орқали янги педагогик технология назариясининг моҳияти ҳамда педагогик технологияларни мактабда жисмоний тарбия дарсларига татбиқ этиш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, янги тажрибалар ҳақида маълумот берувчи таҳлилий чиқишларнинг уюштирилишига етарли даражада эътибор берилмаётганлиги.

6. Таълим соҳасида фаолият юритувчи халқаро донор ташкилотларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда педагогик технология назарияси ва унинг илмий-амалий асосларини тарғиб этишга йўналтирилган кенг қўламли ҳаракатнинг ташкил этилмаётганлиги.

7. Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини очиқ беришга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг суғуриб борилаётганлиги, махсус тавсияномаларнинг камлиги.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлаш узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муваффақиятини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим муассасалари, жумладан, мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш имконини берди.

## **1.2. Жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг мавжуд аҳволи**

Кузатишларимиз натижасида маълум бўлдики, айти вақтда Ўзбекистон Республикаси миқёсида таълим соҳасида фаолият юритувчи халқаро ташкилотларининг ташаббуси ва молиявий қўллаб-қувватлаши билан узлуксиз таълим тизими муассасалари педагоглари ўртасида замонавий

педагогик технологиялар моҳиятини тарғиб этувчи махсус курс ҳамда семинарлар ташкил этилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнининг ягона, етакчи мақсадини белгилаш у қадар мураккаб бўлмаса-да, хусусий, жузъий мақсадларни аниқлаш, уларнинг бир-бирлари билан алоқадорлигини таъминлаш, етакчи мақсадга эришишига йўналтира олиш, мактаб ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини аввалдан ташхислаш, улар фаолиятини мунтазам, изчил, узлуксиз назорат қилиш ва уни тўғри баҳолаш имконини берадиган шакл метод, восита ва усулларни танлай олиш бир қадар мураккаб жараён ҳисобланади. Шу боис, мазкур муаммони ҳал этишда педагоглар учун муҳим қўлланма бўла оладиган манба яратилиши лозим.

Сирдарё вилояти Баяут тумани 1-жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммосининг ижобий ҳал этилиши – ушбу муассасаларда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг педагогик технологиялар ва уларнинг моҳияти борасида маълумотларга қанчалик эгаллиги, назарий билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатининг шаклланганлиги, шунингдек, мазкур ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини технологиялаштирилишига нисбатан эътиборнинг қаратилаётганлигига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, таъкидловчи тажриба жараёнида тажриба-синов майдони сифатида белгиланган мактабда жисмоний тарбия дарсларининг ўқитувчилари ўртасида махсус сўровни ташкил этдик.

Сўров жараёнида тажриба-синов ишларига жалб этилган Сирдарё вилояти Баяут тумани 1мактабдан 160 нафар респодент иштирок этди. Дастлабки сўров мазмуни мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг замонавий педагогик технологиялар моҳияти борасидаги назарий-амалий билимларга эгалликлари, уларни қайси манбалар орқали ўзлаштираётганликлари, мактабда жисмоний тарбия дарсларида таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш учун

муайян шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ўқув юрти томонидан ушбу масалага нисбатан эътиборнинг қаратилганлиги, мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбия жараёнини янгича ёндашув асосида ташкил этилишига бўлган муносабатлари, педагогик жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш борасида тўпланган ижобий тажрибаларнинг оммавийлаштирилиши ҳамда мазкур масалада оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилаётган ишларни ёритувчи таҳлил ўтказилди.

1.2.1- жадвал. Тажиба-синов ишларининг дастлабки босқичида ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга муносабатлари (% ҳисобида)

Саволлар мазмуни	Тажиба гуруқи $n_1=80$		Назорат гуруқи $n_2=80$	
	ижоби й	салби й	ижоби й	Салби й
Таълим-тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ижтимоий буюртма сифатида	58	42	64	36
Ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар моҳиятидан хабардорликлари	33	67	42	58
Замонавий педагогик технологиялар ҳақида маълумот берадиган манбаларнинг мавжудлиги	22	78	32	68
мактабда жисмоний тарбия дарслари маъмурияти томонидан педагогик жараёни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш масаласига эътибор қаратилаётганлиги	45	55	33	67
Ўқув юртида бу соҳада муайян шарт-шароитларнинг мавжудлиги	35	65	39	61
мактаб ўқувчиларининг педагогик фаолиятни технологик асосда ташкил этилишига муносабатлари	29	71	36	64
Педагогик фаолиятни технологик ёндашув асосида ташкил этаётган ўқитувчиларнинг рағбатлантирилиши	15	85	21	79
Мавжуд тажибаларнинг оммалаштирилиши	16	84	24	76
Оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни	11	89	14	86
Халқаро ва ижтимоий ташкилотларнинг ўрни	18	82	17	83

Дастлабки сўров натижалари ёзма равишда олинди. Бунда тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилар томонидан қайд этилган мулоҳазаларнинг ишончилиги ҳамда қўлга киритилган кўрсаткичларнинг катъийлигини яна бир бор текшириш мақсадида суҳбат ташкил этилди. Ёзма равишда ташкил этилган сўров ҳамда суҳбат якунига кўра аниқланган натижалар қуйидаги кўринишга эга бўлди (1.2.1- жадвал):

Тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг педагогик технологиялар моҳиятидан хабардорлик даражалари бир қадар паст бўлсада, уларга янги педагогик технология назарияси моҳиятини очиб беришга йўналтирилган саволлар билан мурувжаат этдик. Ушбу саволлар янги педагогик технология назариясининг яратилиш тарихи, унинг назарий-амалий асосларини очиб беришга хизмат қилувчи саволлар мажмуидан иборат эди. Жадвалларда қайд этилган далиллардан кўриниб турибдики, мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш бугунги кун талаблари даражасида эмас. Ўқитувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга муносабатларини қуйида таҳлил этамиз. мактабда жисмоний тарбия дарсларида ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга бўлган ижтимоий буюртма моҳиятини назорат гуруҳи тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларининг 34 фоизи, тажриба гуруҳининг 43 фоизи ижобий тарзда эътироф этган бўлсалар, тегишли равишда 30-21 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилар эса мактабда жисмоний тарбия дарслари фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммосининг у ҳадар долзарблик касб этмасликлгини, Ўзбекистон Республикасида кечаётган ўтиш даври шароитидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги бу борада муайян ютуҳларни хўлга киритиш имконини бермаслигини таъкидлайдилар.

1.2.2 – жадвал. Таҷриба-синов ишларининг дастлабки босқичида мактабда жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчиларнинг янги педагогик технология назарияси моҳиятидан хабардорлик даражаси (% ҳисобида)

Саволлар мазмуни	Таҷриба гуруҳи n <sub>1</sub> =80		Назорат гуруҳи n <sub>2</sub> =80	
	ижоби й	салби й	Ижоби й	салби й
Педагогик технология тараққиёти ва унинг босқичлари	9	91	14	86
«Педагогик технология» тушунчасининг моҳияти	11	89	17	83
Ўқув жараёнини лойиҳалаш ва унинг босқичлари	14	86	14	86
Педагогик технология тамойиллари	5	95	12	88
Педагогик муносабатлар асослари	9	91	18	82
Педагогик технология турлари ва уларнинг моҳияти	12	88	22	78
Ривожлантирувчи таълим моҳияти	9	91	21	79
жисмоний тарбия таълими дарслари ва унинг моҳияти	11	89	21	79
Педагогик технологиянинг функционал тузилмаси	3	97	9	91
Таълим-тарбия шакллари ва уларнинг мазмуни	35	65	39	61
Таълим-тарбиянинг замонавий методлари ва уларнинг моҳияти	22	78	37	63
Таълим-тарбиянинг замонавий воситалари	45	55	47	53
мактаб ўқувчиларининг билим ва фаолияти мазмуни назорат ҳилиш ва баҳолаш	46	54	54	46
Таълим самарадорлигини аниқлаш мезонлари	6	94	9	91

Бизнинг назаримизда ўқитувчиларнинг ушбу қисми минтақада бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши даврида юзага келган муаммоларнинг туб негизлари айнан тоталитар давр таълим тизимида йўл қўйилганлигини англаб етмаяптилар. Зеро, юксак даражада йўлга қўйилган таълим ва тарбия жараёнидагина шахс камолоти шакллантирилади. Комил шахс эса ижтимоий муносабатлар мазмунида салибий ҳолатларнинг ўрин олишига йўл қўймайди. Педагогик технологияларнинг педагогик фаолият тизимига татбиҳ этилиши мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг барҳам топишида муҳим омил бўла олади.



Тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган саволнома таркибидаги иккинчи саволга уларнинг тегишли равишдаги 22-28 фоизи ижобий, 42-36 фоизи салбий жавобларни беришган. Мазкур жавоблар моҳиятидан англанадики, жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёнида ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар моҳиятидан хабардорлик даражалари паст. Педагог ходимларнинг ПТ моҳиятидан хабардор этмасдан туриб, ўрганилаётган мактабда жисмоний тарбия дарсларининг муваффақиятли кечишини таъминлаш мумкин эмас.

жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг замонавий педагогик технологиялар моҳиятидан хабардор бўлмаслигига асосий таъсирни кўрсатган омиллар ичида ушбу назария моҳиятидан маълумот берувчи манбаларнинг мавжуд эҳтиёжларни қондира олмаслиги етакчи ўрин тутишини тегишли равишда тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг 42-46 фоизи алоқида таъкидлаб ўтган бўлсалар, 22-28 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчининг жавоблари ижобий характердадир. Педагогик технологиялар моҳиятидан хабардор этувчи манбаларнинг деярли рус тилида эканлиги ҳам 42-36 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг эътирозига сабаб бўлган.

Тўртинчи саволга жавоб берган тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг 30-9 фоизи мактабда жисмоний тарбия дарслари маъмурияти томонидан педагогик жараённи замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш масаласига эътиборнинг қаратилаётганлигини эътироф этган бўлсалар, 34-31 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилар ушбу фикрга қарама-қарши бўлган мулоҳазани қайд этадилар. Тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг 30-33 фоизи гарчи мактаб коллежи ўқув фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилмаган бўлсада, ўқув юрти

раҳбариятининг бу йўлда олиб бораётган ҳаракатини қўллаб-қувватлашларини таъкидлаб ўтганлар.

мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш учун пойдевор бўлиши лозим бўлган педагогик шарт-шароитларнинг баъзи ўқитувчилар ўзлари ишлаётган мактабда мавжуд эканлигини тегишли равишда 23-26 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчи эътироф этгани ҳолда, 41-38 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилар ушбу фикрга зид бўлган фикрни билдирганлар.

Педагогик технологиялар ғоялари ҳар қандай педагогик жараённинг фаол иштирокчиси, субъекти сифатида мактаб ўқувчилари шахсини ҳурмат қилиш, хоҳиш-истакларини ҳисобга олишни уқтиради. Таълим-тарбия жараёнининг муваффақиятини нафақат ўқитувчи маҳорати, шу билан бирга ўқувчи нуқтаи назари, фаоллигини ҳам белгилайди. Шунга кўра педагогик фаолиятни технологик ёндашув асосида ташкил этишга нисбатан мактаб ўқувчиларининг муносабатлари қандай эканлигини аниқлашга ёрдам берувчи саволларни ҳам белгилаб олдик. Натижада қуйидаги жавобларни олишга муваффақ бўлдик: кузатилган 19-23 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчининг жавоби ижобий, 45-41 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчининг жавоби салбий. Мазкур жараёнга нисбатан мактаб ўқувчиларининг салбий муносабатда бўлишини тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилар уларнинг зарур даражада ўқув адабиётлари ва ёрдамчи манбалар билан таъминланмаганликлари, фаолиятларини рейтинг назорати асосида баҳолашга нисбатан норозиликлари билан изоҳлаганлар.

Саволнома таркибидан ўрин олган еттинчи саволга жавоб ҳайтарар эканлар кузатилган тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг 10-14 фоизи педагогик фаолиятини технологик ёндашув асосида ташкил этаётган ўқитувчиларнинг мактаб раҳбарияти томонидан рағбатлантирилиб

борилаётганлигини таъкидлайдилар. Бироқ аниқланган кўрсаткичлар ниҳоятда паст бўлиб, бу борадаги ҳолат мутлақо қониқарсиз эканлигини англатади. Кузатилган 54-50 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчи ушбу саволга салбий маънода жавоб қайтарган.

Саккизинчи савол юзасидан жавоб қайтарар эканлар, тегишли равишда тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг 11-17 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилари мактабда жисмоний тарбия дарсларида технологик ёндашув асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш борасида маълум тажриба ва ютуққа эга бўлган педагог ходимларнинг тажрибаларини оммалаштирилишга йўналтирилган фаолиятни ижобий баҳолаган бўлсалар, 53-47 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчи салбий жавоб қайтарган.

Маълумки, бугунги кунда ҳар қандай маълумотнинг тарқалишида оммавий ахборот воситаларининг маълумотларни тезкор суръатда тарқатиши, уларни умумлаштириш, қайта ишлаш ва узатишдаги чексиз имкониятидан фойдаланиш педагоглар орасида замонавий педагогик технологиялар моҳиятини очиб берувчи назарий билимлар, амалий кўникмаларни тарғиб этиш учун қулай шароит яратади. Оммавий ахборот воситаларининг мавжуд шароитда замонавий педагогик технологияларнинг моҳиятини тарғиб этишдаги аҳамиятини аниқлашга қаратилган саволга қайтарилган 7-9 фоиз тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг ижобий характердаги жавобига нисбатан 59-55 фоизининг салбий жавоби бўлди.

мактабда жисмоний тарбия дарсларининг ўқитувчилари педагогик технологиялар моҳиятини ўзлаштириш жараёнида халқаро ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг бу борадаги ёрдамларини қай даражада ҳис этаётганликларини аниқлашга қаратилган саволга тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчиларнинг 12-11 фоизи ижобий ва 52-53 фоизи салбий

жавоб қайтарганлар. Бизнинг назаримизда мазкур ўринда халқаро ташкилотларнинг ёрдамини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишларига жалб этилган тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчилар томонидан баён этилган жавоблардан кўриниб турибдики, мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш бугунги кун талаблари даражасида эмас экан. Мазкур ҳолатни бартараф этиш учун махсус дастур асосида муайян педагогик фаолиятни мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш лозим.

### **I боб бўйича хулосалар**

Мазкур бобда қайд этилган фикр-мулоҳазаларга таяниб қуйидаги хулосага келдик.

Янги педагогик технология назарияси жисмоний тарбия машғулотида таълимнинг глобаллашуви шароитида мактаб ўқувчилари томонидан қисқа вақт оралиғида пухта билимларни ўзлаштириш имкониятини беради. Мазкур назария ғояларини узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларининг ўқув жараёнига татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Таълим муассасаларининг ўқув фаолиятига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида дастлабки тажрибалар тўпланган бўлса-да, улар давр талабларига етарли даражада жавоб бермайди.

3. Гарчи педагогик технология назариясининг шаклланганлигига тарихан узоқ вақт бўлмаган бўлса-да, айтиш мумкин педагогика назарияси ушбу таълимот моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи салмоқли манбаларга эга.

4. Педагогик технология ва унинг моҳияти борасидаги манбаларнинг аксарияти ушбу таълимот юзасидан назарий билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

## II БОБ. ТАЪЛИМГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

### 2.1. Жисмоний тарбия машғулотларида таълимни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мазмуни

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига самарали татбиқ этилиши халқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш объектлари, илмий ҳамда ўқув муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш имконини беради. Мазкур масаланинг долзарблиги хусусида тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этиб ўтади: «Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиши учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу - мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва sanoати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади».

Жамият эқтиёжлари асосида шакллантириладиган баркамол авлод ва малакали мутахассиснинг ривожланишини таъминлашда мактабда жисмоний тарбия дарсларининг ўрни беқиёс эканлиги давлат сиёсати даражасида эътироф этилмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида sanoат, савдо, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, транспорт, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўналишларида мутахассис тайёрлайдиган мактабда жисмоний тарбия дарслари қурилиб, уларда муайян мақсадга йўналтирилган ўқув фаолияти йўлга қўйилган бўлса, халқ хўжалиги учун

зарур бўлган мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган кўплаб коллежларнинг қурилиши давом эттирилмоқда. 2005 йилга қадар Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман, шаҳар ҳамда қишлоқ ҳудудларида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва аҳоли, шунингдек, халқ хўжалигининг кадрларга бўлган ички эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда муайян йўналишларда фаолият кўрсатувчи янги турдаги ўқув муассасаларини жойлаштириш, уларнинг фаолиятини моддий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, илмий-методик таъминлаш кўзда тутилган.

Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, уларда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этишда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек, мактаб ўқувчиларига билим бериш ва уларни тарбиялашда самарадорликка эришишга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, бунда бир қатор педагогик вазифалар ҳал этилиши лозим. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида муайян шарт-шароитларни яратиш;

- мактаб педагог ходимлари ўртасида замонавий педагогик технологиялар моҳиятини очиб беришга қаратилган махсус ўқув семинарларини ташкил этиш;


- улар томонидан педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирилишига эришиш;

- мактабда жисмоний тарбия дарслари педагогларида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндошув ҳиссини тарбиялаш;

- мактаб ўқитувчиларида таълимни технологик ёндашув асосида ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

- мактаб ўқитувчилари томонидан таълим-тарбиявий ишларни замонавий педагогик технологиялар асосда ташкил этилишига эришиш;
- мактаб ўқитувчиларининг технологик асосда педагогик фаолиятни ташкил этиш борасидаги маҳоратларини ошириш;
- мактабда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини таъминлаш.

мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган андоза 2.1.1-шаклда акс эттирилган.



2.1.1-шакл. жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш андозаси

мактаб ўқитувчилари ўртасида замонавий педагогик технологиялар ва уларнинг моҳияти хусусидаги назарий маълумотларни тарғиб этиш муваффақиятини педагогик жамоа, шунингдек, индивидуал педагог ходимларда уларни ўрганишга нисбатан эҳтиёж, қизиқишнинг юзага келишини белгилайди. Юзага келган эҳтиёж ҳамда қизиқиш уларни қондириш имконини берувчи амалий фаолиятни ташкил этишга нисбатан қарор топтиради.

Рағбат эса, ўз навбатида, амалий ҳаракатнинг ташкил этилишига туртки беради. Дастлаб машқларни ҳал этиш асосида ташкил этилаётган ҳаракатлар педагог ходимларда ўз фаолиятларини технологик ғояларга мувофиқ йўлга

қўйиш бўйича муайян кўникмаларнинг юзага келишига замин ҳозирлайди. Доимий равишда машқлантириш, фаолиятни бир маромда ташкил этилиши, вақт ўтиши билан унинг суръатини оширишга эришиш ҳосил бўлган кўникмаларни малакаларга айлантиради. Амалий кўникма ва малакаларнинг назарий билимлар билан уйғунлигини таъминлаш эса педагогик фаолиятни технологик ёндашув асосида ташкил этиш бўйича маълум тажрибани шакллантиради. Ана шу шароитдагина янгича ёндашувга асосланган амалий фаолиятни узлуксиз, изчил ташкил этиш учун имкон туғилади. Мазкур фаолиятнинг қай даражада самарали бўлаётганлигини аниқлаш мақсадида изчил тарзда махсус таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида педагогик фаолиятни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш малакасини шакллантиришга қуйидаги тамойилларга амал қилиш асосида эришилади:

1. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги ягона мақсаднинг қарор топганлиги.

2. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги ҳаракатнинг изчил, мақсадга мувофиқ, тизимли ва узлуксиз амалга оширилиши.

3. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишда мавжуд шарт-шароит ҳамда субъектив ёндашувларни инобатга олиш.

4. Педагогик маҳорат ва иқтидорларни эркин намойиш этиш.

5. Янги тажрибаларни оммалаштириш.

6. Назарий ва амалий фаолият бирлиги.

7. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишда хорижий мамлакатларнинг донор ташкилотлари билан ҳамкорлик ва ҳоказолар.



мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш қуйидаги омиллар асосида амалга оширилади:

1) объектив омиллар:

- мактабда жисмоний тарбия дарсларида моддий-техник базанинг яратилганлиги;

- таълим- тарбия жараёнининг зарур техник ҳамда ахборотли воситалар билан таъминланганлиги;

- мактабда жисмоний тарбия дарсларида педагогик мониторинг (маълумотлар банки)нинг ташкил этилганлиги, унинг махсус адабиётлар билан бойитилганлиги;

2) субъектив омиллар:

- мактаб ўқитувчиларида ПТ моҳиятини ўрганишга нисбатан ички эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келганлиги;

- уларда ўз фаолиятларида ПТ лардан фойдаланишга нисбатан рағбатнинг қарор топганлиги;

- мактаб раҳбарияти ва жамоасининг ўқув юрти фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўлидаги бирлиги ва яқдиллигининг шаклланганлиги;

- мактаб ўқитувчиларининг ПТ моҳиятидан хабардорликлари;

- уларда ўз фаолиятларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг таркиб топганлиги;

- мактаб ўқитувчиларининг ўз педагогик фаолиятларида ПТ ни қўллай олиш маҳоратига эгаликлари;

- уларда ижодкорлик, изланувчанлик, мактаб ўқувчилари орасида кўтаринки кайфиятни ярата олиш сифатларининг мавжудлиги;

- ПТ асосида педагогик фаолиятни ташкил этаётган ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш ва ҳоказолар.

Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг педагогик фаолиятни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги маҳоратлари даражаси қуйидаги кўрсаткичларга мувофиқ белгиланади:

- мактаб ўқитувчилари томонидан янги педагогик технология назарияси, унинг моҳияти, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш, мактаб ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакалари даражасини олдиндан ташхислаш, улар томонидан ташкил этилаётган ўқув фаолияти мазмунини назорат қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, педагогик фаолият самарадорлигини аниқлаш борасидаги назарий билимларнинг ўзлаштирилиши;

- мактаб ўқитувчиларида техник воситалар ҳамда ахборот технологиялари хизматидан самарали фойдаланиш борасида ҳосил бўлган амалий кўникма ва малакалар;

- мактаб ўқитувчиларида мактаб ўқувчилари билан мулоқотни муваффақиятли ташкил этиш, педагогик фаолиятга нисбатан ижодий ёндошув, педагогик вазиятларни баҳолай олиш ва уларга мувофиқ хатти-ҳаракатни ташкил этиш малакалари шаклланганлиги;

- педагогик фаолият мазмуни, кўлами, суръати ҳамда самарадорлигинининг юқори даражаси.

Тадқиқот муаммосини назарий-амалий асосларини ўрганиш натижасида шу ҳолат аниқландики, педагогик технологиялар моҳиятини мактабда жисмоний тарбия дарслари педагоглари ўртасида тарғиб қилиш жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан табиий фанлар ўқитувчилари мазкур педагогик технологияларнинг назарий-амалий асосларини тез ва пухта ўзлаштиришга муваффақ бўлганлар. Бунинг боиси, мактаб ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакалари, шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлик даражасини аниқлашга йўналтирилган методларнинг статистик хусусиятга эгалигидадир.

Табиий фанлар ўқитувчиларининг техник ва ахборот воситалари билан ишлай олиш тажрибаси ва мутахассислик маълумотларига эга эканликлари уларни замонавий педагогик технологиялар борасидаги билимлардан хабардор этиш жараёнида маълум қулайликларни яратди. мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёнидаги имкониятлар ва тажрибаларга таяниш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Хусусан, ўқув фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш, мактаб ўқувчиларининг фаолиятларини назорат қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш ҳамда жисмоний тарбия таълимининг самарадорлигини аниқлашга имкон берувчи дастурларни тузишда табиий фанлар ўқитувчиларининг ўрни бекиёсдир.

Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишда умумжамоа, шунингдек, ҳар бир ўқув фани ўқитувчисининг имкониятларидан самарали фойдалана олиш, муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳар бир фан ўқитувчиси ўқув юрти манфаатларини шахсий қизиқишлари билан мувофиқлаштира олиши, айтилиши вақтда мактабда жисмоний тарбия дарслари раҳбарияти ўқув юрти ўқитувчиларининг фаолияти педагогик технологияларга нисбатан эътиборли бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Ўқув юрти раҳбарияти ҳамда жамоа ўртасидаги яқдиллик, ягона мақсад сари интилиш мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўлида маълум муваффақиятларга эришишни таъминлайди.

Мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган фаолият мазмунини ишлаб чиқиш муаммонинг ижобий ечимини таъминлайди.

## **2.2. жисмоний тарбия дарсларида амалга ошириладиган тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш жараёни.**

Таълим-тарбия жараёни жисмоний тарбия дарсларининг таркибий қисми ҳисобланиб, мазкур жараёнга ҳам педагогик технологияларни татбиқ этиш етук мутахассис сифатида тайёрланиши назарда тутилган мактаб ўқувчиларининг баркамол шахс бўлиб вояга етишишлари учун шароит яратилишини таъминлайди. Бироқ бундай шароитнинг вужудга келиши таълим-тарбия жараёнининг асосий субъекти ва раҳбари бўлган ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар моҳиятини англаш, улардан педагогик фаолиятни амалга оширишда самарали фойдаланиш борасидаги кўникмаларни ҳосил қилиш лозим. Шунинг учун ҳам тажриба-синов ишлари жараёнида мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчилари орасида ўқув фаолиятида амалга ошириладиган тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор бердик.

Тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш - мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг тарбиявий ишларни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувдан иборат бўлиб, мазкур ишлар мазмунини шакллантириш бирқадар мураккаб жараёндир. жисмоний тарбия таълими дарсларида мактаб ўқувчиларига муайян ўқув фани тўғрисида маълумотларни беришда вақт ҳажми қатъий белгилаб қўйилган, бундай ҳолат ўқув фаолиятини технологик ёндашув асосида ташкил этишни бирқадар барқарорлаштиришга имкон берса, тарбия жараёнига нисбатан бунга эришиш мураккаброқдир. Бинобарин, жисмоний тарбия таълимининг муайян босқичларида мактаб ўқувчиларида бир қатор шахсий сифатлар шакллантирилади. Уларни бойитиш эса шахс тарбиясини узлуксиз давом эттиришни талаб қилади. Бунда бевосита ўқув жараёни ҳамда аудиториядан ташқари тарбиявий ишлардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Жисмоний тарбия таълимини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад - тарбия жараёнининг асосий субъектлари бўлган ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида юзага келувчи мулоқотнинг самарали бўлиши бу тизимнинг янгича мазмун касб этишига эришишдан иборат. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларидан жисмоний тарбия таълимини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, бу борада аҳамият берилиши лозим бўлган шартлар хусусида ўқитувчиларни хабардор этишга ёрдам берадиган тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор берилди. Мазкур тадбирлар воситасида қуйидаги педагогик вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши назарда тутилди:

1. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги назарий-амалий билимларини ўзлаштиришлари учун муайян шарт-шароит яратиш.

2. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларига тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида маълумот бериш.

3. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги назарий билимларни ҳосил қилиш.

4. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида педагогик технологиялар асосида тарбия жараёнини ташкил этиш борасидаги назарий билимларининг амалий кўникма ва малакага айланишига эришиш.

5. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишга нисбатан рағбатни юзага келтириш.

6. Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш, маҳоратини ошириш.

7. Педагогик тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида Республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалардан мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларини хабардор этиш.

Мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувни қарор топтиришга эришиш мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённинг самарали кечиши уларнинг мутахассислик фанлари асосларини чуқур ўзлаштирганликлари, фанлараро алоқадорликни, шунингдек, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳияти ва давр талабини англай олишлари, тарбиявий ишларни ташкил этиш тажрибасига эгалликлари, тарбия жараёнини ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг ғоявий жиҳатларини таҳлил эта олишларига боғлиқ.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишлари қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда ҳам мақсадга мувофиқдир:

2. Мактабда жисмоний тарбия дарсларида амалга ошириладиган тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш педагогик жамоа олдида турган умумий мақсад сифатида эътироф этилишига эришиш.

3. Мактабда жисмоний тарбия дарсларининг тарбиявий фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш.

4. Мактабда жисмоний тарбия дарсларининг тарбиявий фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўлида муайян шарт-шароитларни яратиш.

5. Уюштирилаётган тадбирларнинг ғоявийлигини таъминлаш.

6. Тадбирлар ғояларининг ягона мақсадга хизмат қилишига эришиш.

7. Тадбирларни ташкил этишда уларнинг узлуксиз, тизимли ва изчил бўлишини таъминлаш.

8. Тадбирлар жараёнида ҳар бир ўқитувчининг ички имкониятларини инобатга олиш, уларнинг педагогик тажриба ва касбий маҳоратларига таяниш.

9. Тадбирларни уюштиришда ўқув юрти фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда қўлга киритилган тажрибалардан фойдаланиш.

10. Тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсаднинг натижаланишига эришиш.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида тарбиявий фаолиятни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши кутилган натижани қўлга киритиш учун имкон яратиши аниқланди:

а) тадбирлар шакллари - маъруза, давра суҳбати, семинар, баҳс-мунозара, учрашув, танлов, кўрик, мусобақа ва бошқалар;

б) тадбирлар самарасини таъминловчи методлар - тушунтириш, ҳикоя қилиш, кўрсатмалилик, манбалар билан ишлаш, машқлантириш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳоказолар;

в) тадбирлар самарадорлигини оширишда қўлланган воситалар - манбалар (ўқув дастури, қўлланма ва дарсликлар), кўрғазмали, техник ҳамда ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот воситалари -газета ва журналлар), нутқ, педагогик тажриба, ёш ўқитувчиларнинг фаолияти ва бошқалар.

Тадқиқот давомида Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактабда амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида 1-мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг мавжуд шароитда тарбиявий тадбирларни қандай омилларга таянган ҳолда олиб бораётганликлари ва

уларнинг самарадорлиги қай даражада эканлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Натижада қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга муваффақ бўлдик (2.2.1-жадвал):

2.2.1- жадвал. мактабда жисмоний тарбия дарсларида тарбиявий тадбирларни амалга ошириш самарадорлиги (% ҳисобида)

Омиллар	Тажриба гуруҳи $n_1=0$		Назорат гуруҳи $n_2=80$	
	Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий
Қўйилган мақсаднинг аниқлиги	26	74	27	73
Яратилган шароитлар (кўрғазмали, техник ва ахборот воситалари)нинг мавжудлиги	42	58	37	63
Тарбия жараёни субъектлари имкониятларининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги	26	74	43	57
мактаб ўқувчилари имкониятларининг инобатга олинганлиги	23	77	41	59
Ўқитувчининг педагог маҳорати	63	37	55	45
Тадбирнинг йўналиш ва мавзуси	62	38	57	43
Тадбирнинг самарали шакл ва методлар ёрдамида ташкил этилганлиги	54	46	58	42
Тадбирнинг технологик ёндашув асосида уюштирилганлиги	14	86	21	79
Тадбир натижаларининг доимий равишда таҳлил этиб борилиши	15	85	23	77
Тадбир фаол иштирокчиларининг рағбатлантириб борилиши	34	66	45	55

Кузатишларимиз давомида Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия дарсларининг тажриба-синов ишлари учун танланган ўқувчи ўқитувчилари ўртасида қайта сўров ташкил этилиб, тарбиявий тадбирлар самарадорлигини таъминловчи омиллар ва уларнинг самарадорлик даражаси яна бир бор аниқланди. Натижада қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга муваффақ бўлдик (2.2.2 - жадвал):

2.2.2 - жадвал. Тажриба-синов ишлари якунида аниқланган тарбиявий тадбирлар самарадорлигини таъминловчи омиллар (% ҳисобида)



Омиллар	Тажриба гуруҳи n <sub>1</sub> =80		Назорат гуруҳи n <sub>2</sub> =80	
	Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий
Қўйилган мақсаднинг аниқлиги	86	14	54	46
Яратилган шароитлар (кўргазмалар, техник ва ахборот воситалари)нинг мавжудлиги	69	31	48	52
Тарбия жараёни субъект-лари имкониятларининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги	62	38	57	43
мактаб ўқувчилари имкониятларининг инобатга олинганлиги	63	37	51	49
Ўқитувчининг педагог маҳорати	72	28	62	38
Тадбирнинг мавзуси ва мазмуни	83	17	64	36
Тадбирнинг самарали шакл ва методлар ёрдамида ташкил этилганлиги	86	14	75	25
Тадбирнинг технологик ёндашув асосида уюштирилганлиги	82	18	37	63
Тадбир натижаларининг доимий равишда таҳлил этиб борилиши	84	16	41	59
Тадбир фаол иштирокчиларининг рағбатлантирилиб борилиши	78	22	58	42

Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчилари томонидан тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини таъминловчи омилларни қайд этиш ўрганилганда, тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари улар фикрларининг кескин ўзгаришига сабаб бўлганлигини аниқланди. Қуйида ушбу тадбирларнинг айримлари устида тўхталамиз.

Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия дарсларида тарбиявий ишларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тажриба-синов ишлари махсус режа асосида олиб борилди. Мазкур режа таркибидан мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида тарбиявий фаолият жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга имкон берувчи тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилди .

Тажриба-синов майдонлари бўлган Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия дарсларида ташкил этилган ҳамда тарбиявий фаолиятни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирлар орасида «Тарбиявий жараённи лойиҳалаштириш» мавзусидаги тренинг муҳим ўрин эгаллади. Мазкур тренинг қуйидагича таркибга эга:

**Савол-жавоблар асосида педагогик вазиятни бирламчи ўрганиш:**

Тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мумкинми? Фикрингизни асосланг.

Тарбиявий тадбир лойиҳасини ишлаб чиқишда нималар инобатга олинади?

Тарбиявий тадбир субъектларининг тадбирни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил этишдаги ўрни қандай бўлиши лозим?

**Тренинг асосида амалий фаолиятни ташкил этиш.**

Тарбиявий тадбирни лойиҳалаш - маъруза.

Маълум мавзу бўйича тарбиявий тадбирнинг мақсади ва унга мувофиқ вазифаларни аниқланг.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мавзулар бўйича уюштириладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини таъминловчи шакл, метод ва воситаларни аниқланг. Фикрингизни асослаб беринг.

Муайян мавзу асосида тарбиявий тадбир лойиҳасини ишлаб чиқинг (тадбирнинг мазмунини тўлиқ баён этишга ҳаракат қилинг).

**Давра суҳбати асосида педагогик вазиятни иккиламчи ўрганиш:**

Тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида сиз қандай фикрдасиз?

Тарбиявий тадбир лойиҳасини ишлаб чиқишда аҳамиятли бўлган омиларни кўрсатинг.

Тарбиявий тадбирлар жараёнида (уни ташкил этиш, ўтказиш ва якуний муҳокамада) ўқувчининг ўрни қандай бўлиши лозим? Ўқитувчининг ўрни-чи?

Тадбир жараёнида ўқитувчиларга тарбиявий тадбирларни лойиҳалаштиришнинг аҳамияти, унинг моҳияти, шунингдек, тарбиявий тадбирни лойиҳалашда инобатга олиниши лозим бўлган омиллар хусусида назарий маълумотлар берилди. Тадбир доирасида ўқитувчиларнинг амалий фаолиятларини ташкил этиш жараёнида

2.2.1. шаклда келтирилган схема асосида иш кўришлари тавсия этилди:



2.2.1 – расм. Тарбиявий тадбирларнинг умумий лойиҳаси

Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактаб ўқитувчилари билан ташкил этилган тадбирлардан яна бири «Ижодий лаёқатни намойиш этиш» мавзусидаги тадбир бўлиб, ундан кўзланган мақсад - ўқитувчиларда тарбиявий тадбирларни технологик ёндашув асосида олиб бориш кўникмасини шакллантириш, уларда шахсий имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш маҳоратини тарбиялашдан иборат бўлди. Тадбир қуйидагича уюштирилди:

**Анкеталар асосида педагогик вазиятни бирламчи ўрганиш:**

«Педагогик ижод» деганда нимани тушунасиз?

«Ижодкорлик» қандай сифат?

Сиз ижодий сифатлар (шеърый, насрий асарлар, илмий мақола ёки рисола ёзишга бўлган лаёқат, асарлар мазмунини бадиий талқин эта олиш, куйлаш, рақсга тушиш, компьютер ёрдамида тасвирлар яратиш ва ҳаказолар)га эгаман деб ҳисоблайсизми? Бу борадаги мавжуд сифатларингизни сананг.

Сиз ижодий сифатларингиздан самарали фойдалана оляпсизми?

Ижодий фазилатларингиздан самарали фойдаланишингизга қандай омиллар тўсқинлик қилмоқда?

Тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашасизми?

Ижодий сифатларга эга бўлиш фаолиятда муваффақиятга эришиш омили бўла оладими?

**Тренинг ва мусобақа асосида амалий фаолиятни ташкил этиш.**

Ихтиёрий мавзу ва жанр асосида ижодий иш яратишга ҳаракат қилинг.

Уларни умумлаштириш асосида муайян мавзуда оғзаки журнал, буклет ёки деворий газета ва бошқаларни яратинг. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ҳисобга олинг, фикрингизни шарҳланг.

Яратилган ижодий ишлар юзасидан мулоҳазаларингизни баён этинг.

**Сухбат асосида педагогик вазиятни ойдинлаштириш.**

Педагог қандай бўлиши лозим?

Педагогларда ижодий қобилият қандай шакллантирилади?

Педагоглар ижодий қобилиятларини намоёниш этишлари учун қандай шароит зарур?

Ушбу тадбирни ўтказиш жараёнининг дастлабки босқичида ўқитувчилар эътиборига ҳавола этилган анкета сўрови натижалари умумлаштирилди ҳамда уларга таянган ҳолда ижодий-педагогик фаолият, унинг таълим-тарбия ишларининг муваффақиятини таъминлашдаги аҳамияти, ижодий қобилиятлар ва уларни шакллантириш шартлари ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир жараёнида «бхбхб» методидан фойдаланилди. Ўқитувчилар томонидан яратилган ижодий ишлар гуруҳлар бўйича умумлаштирилиб, ушбу умумлашма асосида деворий газета, оғзаки журнал, буклет ва «Педагогик поэма» номли китоб яратилди. Тадбир жараёнида ўқитувчиларнинг фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор берилди.

мактабда жисмоний тарбия дарсларининг ўқитувчиларида тарбиявий фаолиятни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги тушунчаларни ҳосил қилиш, шунингдек, уларда тарбиявий ишлар жараёнини лойиҳалаштириш борасидаги малакани шакллантириш сўз юритилаётган жараённинг самарали кечиши учун замин яратади. Тажриба ишларини уюштириш чоғида бу таҳлитда иш кўриш ўзининг ижобий натижаларини берди. БМИнинг навбатдаги бобида ана шулар хусусида сўз юритамиз.

## II БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР

Мазкур бобда баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия дарсларининг асосий таркибий қисмларидан бири таълим бериш фаолияти бўлиб, бу жараёни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мактаб ўқувчиларига ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асослари тўғрисида маълумотлар бериш, бу борада самарадоликка эришиш имконини беради.

2. Сирдарё вилояти Баяут туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларини педагогик технологиялар моҳиятидан хабардор этишга йўналтирилган махсус тадбирларнинг уюштирилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Тадбирлар жараёнида мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларига назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда уйғунликни таъминлаш ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар моҳиятини пухта ўзлаштиришларига имкон яратади.

4. мактабда жисмоний тарбия дарсларидаги тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, ушбу мақсадга эришиш тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга имкон яратади.

5. мактабда жисмоний тарбия дарсларидаги тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг муваффақиятли амалга оширилиши ўқитувчиларга тарбиявий ишлар жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида назарий-амалий билимлар бериш асосида йўлга қўйилади.

6. мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида тарбиявий ишлар жараёнини лойиҳалаштириш кўникмаси, шунингдек, ижодий қобилиятларни ҳосил қилиш мазкур ўқув юртлари фаолиятини замонавий

педагогик технологиялар асосида ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг амалга ошишига олиб келади.

## УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар унинг самарадорлигини таъминлаш, баркамол шахс ва малакали

мутахассисни тарбиялаб етиштиришга хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилгандир.

Шу мақсадда мактабда жисмоний тарбия дарсларида амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим муассасаларининг фаолиятига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида гарчи етарли даражада амалий тажриба тўпланмаган бўлсада, мазкур назария моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи салмоқли илмий манбалар мавжуд. Мазкур манбаларнинг аксарияти мактабда жисмоний тарбия дарслари педагоглари педагогик технология соҳасидаги назарий билимлар билан қуроллантириш имкониятига эга.

Педагогика фанида бугунги кунга қадар олиб борилган илмий изланишлар доирасида жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги муаммонинг назарий-амалий асосларини ўрганиш жараёнида аён бўлди.

жисмоний тарбия дарсларининг таркибий қисмларидан бири - жисмоний тарбия таълими дарслари бўлиб, уни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мактаб ўқувчиларига ўқув ҳамда мутахассислик фанларининг асослари тўғрисида чуқур маълумотлар олиш, уларда жисмоний тарбия таълими дарсларида ўз имкониятларини эркин намойиш этиш, фаолиққа эришиш каби кўникмаларни шакллантириш, жисмоний тарбия таълимини ташкил этишдан кўзланган мақсадга оз жисмоний куч сарфлаб, кўпроқ самарага эришиш учун имконият яратди.

жисмоний тарбия дарсларида таълим соҳасидаги муваффақиятларга эришишнинг асосий омили ушбу ўқув муассасалари ўқитувчиларида жисмоний тарбия таълими дарсларига нисбатан технологик ёндашувни қарор топтиришдан иборатдир. Аммо ўқитувчиларда жисмоний тарбия таълими дарсларига нисбатан технологик ёндашувни қарор топтириш уларда, аввало,



педагогик технология моҳияти борасидаги назарий билимларнинг ҳосил бўлиши зарурлигини кўрсатди. Шу мақсадда тадқиқотни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларини жисмоний тарбия таълими дарсларига педагогик технологияларни татбиқ этишга йўналтирилган фаолият моҳиятидан хабардор этувчи махсус тадбирларнинг уюштирилиши мақсадга мувофиқ бўлди.

мактабда жисмоний тарбия дарсларида тарбиявий фаолият жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, ушбу муаммонинг ижобий ҳал этилиши баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш учун замин яратади.

мактабда жисмоний тарбия дарсларида тарбиявий фаолият жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муваффақияти мазкур ўқув юртлари ўқитувчиларига назарий билимларни бериш асосида амалга оширилади. мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларида тарбиявий ишлар жараёнини лойиҳалаш кўникмаси, шунингдек, ижодий педагогик сифатларни ҳосил қилиш мазкур ўқув юртлари фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг амалга ошишига олиб келди. Тажриба-синов ишлари давомида мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг тарбиявий ишлар жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги шахсий қарашларини шакллантириш, улар томонидан муайян андозаларнинг яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчилари ўртасида таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш борасидаги билимларни тарғиб этиш муайян режа ва аниқ мақсад асосида ташкил этилса, ижобий натижаларга имконияти вужудга келиши тадқиқотларимиз натижасида аён бўлди. Тадқиқот давомида амалга

оширилган тажриба-синов ишлари аниқ мақсад ва пухта ишлаб чиқилган, бир неча бор холис экспертлар томонидан ўрганилган ҳамда маъқулланган дастур ва режа асосида ташкил этилди.

Юқорида баён этилган хулосаларга таянган ҳолда мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчилари ўртасида замонавий педагогик технологиялар моҳияти борасидаги назарий-амалий билимларни тарғиб этиш, уларда педагогик фаолият жараёнида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, бу борада самарадорликка эришиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи қуйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчилари ўртасида кенг тарғиб этиш.

мактабда жисмоний тарбия дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг яхлит тизимини яратиш.

мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларининг педагогик технологиялар назарияси оид манбалар билан қуроллантириш.

жисмоний тарбия дарсларида фойдаланадиган манбалар мазмунига замонавий педагогик технологиялар элементларини сингдириш.

мактабда жисмоний тарбия дарслари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини замонавий педагогик технологияларнинг назарий асосларига оид ўқув методик адабиётлар билан таъминлаш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.- Т.:Ўзбекистон. 1992.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломида. Т.:Ўзбекистон. 1999.
3. Баркамол авлод - Ўзбекистон тарбиясининг пойдевори.- Т.:Шароит. 1998.
4. Баркамол авлод орзуси ("Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар).-Т.:Шароит.1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонуни (Янги таърирда). 2000.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонуни. 1997.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида» қарори. 1999. 27 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг «Сўлоҳ авлод учун давлат дастури». 1997.
9. Абдуллаев А.А. Жисмоний тарбия воситалари. Ўқув қўлланма. Фарғона, 1999.
10. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. Фарғона, 2001.
11. Абдумаликов Р., Абдуллаев А. ва бошқалар. Жисмоний тарбия таълими илмини такомиллаштириш масалалари.
12. Акрамов А.К. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тарихи. Ўқув қўлланма. ЎзЖТИ нашри. 1997.
13. Ашмарин В.А. «Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. М., 1978.
14. Белинович В.В. Обучение в физическом воспитании. Ф и С. М., 1958.
15. Белорусова В.В., Решетень И.Н. Воспитание в процессе занятий физической культурой Ф и С. М., 1964.
16. Жисмоний тарбия ва спорт луғати, 1-2 қисм. ЎзДЖТИ нашриёти. 1983

17. “Гимнастика” Учебник МФК под ред.Брисина А.Т., Москва. “ФИС” 1971г.
18. «Спортивная гимнастика», Учебник И.Ф.К., ред. М.Л.Украина, Москва, «ФиС», 1971 г.
19. Иванков Ч.Т. Теорические основы методики физического воспитания. М., 2000.
20. Кретти Б.Д. Психология в современном спорте. М., 1978.
21. Лесгафт П.Ф. Руководство по физическому образованию детей школьного возраста. М., 1-том, 1951.
22. Матвеев Л.П. Общая теория спорта. М., 1997.
23. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. М., 1991.
24. Михеев А.Ч. Формирование педагогического мастерства тренера. М., 1986.
25. Насриддинов Ф.Н., Шотерников Э.К. Инсон омилини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт. Т., «Б=итувчи», 1993.
26. Нурмуцхаммедова К.И. Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий-и=тисодий муаммолари, Т., БЗДЖТИ нашри. 1991.
27. Пуни А.Ц. Очерки психологии спорта. Ф и С. 1962.
28. Тен К.П. Ўзбекистонда студентларни жисмоний тарбиялаш. Т., «Б=итувчи». 1963.
29. Теория физического воспитание. Учебное пособие для институтов физической культуры под. ред. И.М.Корековского. Ф и С. 1960.
30. Уэйнберг Р.С., Гоулд Д. Основы психологии спорта и физической культуры. Киев. 1999.
31. Ўзбекистонда жисмоний тарбия. Т., «Б=итувчи», 1997.
32. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бош=ариш. Дарслик. Т., Ибн Сино нашриёти. 2002.

**Интернетдан олинган адабиётлар.**

1. Bod Kizlik. Lesson Planning Lesson Plan Formats and Lesson Plan Ideas..  
www. ADPRIMA com

2. Мила Новик. Современное образование. www. Dvgu.ru/umu/didjest/new  
know/yar 99/ mainkn 99. htm.

3. Спорт ва со\ломлаштириш ишлари www. repberat.ru /reph/13459.shtml  
(24 КБ) 06.02.2004.

**4. Ритмическая гимнастика.** ric.uni-altai.ru/Fundamental/art-ni/pr-log.\htm  
(8 КБ) 24.04.2003

**ГулДУ жисмоний тарбия ва жисмоний маданият таълим йўналиши IV  
босқич талабаси Абдурахимов Ғофурнинг «Мактаб ўқувчилари билан  
ташқил этиладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида  
замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусида ёзилган  
битирув малакавий ишига  
Т А Қ Р И З**

Жамият тарққиёти учун зарур баркамол шахсни шакллантириш таълим соҳасининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланиб, мазкур масаланинг ечимларидан бири сифатида таълим жараёнини технологик ёндашувлар асосида ташқил этиш, дарс жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотчи Абдурахимов Ғофурнинг «Мактаб ўқувчилари билан ташқил этиладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусида ёзилган битирув малакавий иши мазкур масаланинг ечимига қаратилгандир.

Тадқиқотчи битирув малакавий ишида аниқ мақсад қўйган, вазифаларни тўғри белгилаган. Илмий тадқиқот методларидан унимли фойдаланилган.

Ғ.Абдурахимов бу вазифаларни изчил амалга ошириб борган. Ушбу муаммога тегишли бўлган манбалар ўрганилган. Иш жараёнида умумий таълим мактабларида битирув малакавий ишига оид тажриба синов ишлари олиб борилган.

Икки босқичдан иборат эксперимент ишлари олиб борилиб, натижаларининг таҳлил қилиниши илмий фаразнинг тўғри қўйилганини тасдиқлаш билан бирга, ижобий яқун топганини кўрсатади.

Битирув малакавий иш юзасидан чиқарилган хулосалар ишнинг тўла яқунланган.

Ғ.Абдурахимов «Мактаб ўқувчилари билан ташқил этиладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш» деб номланган битирув малакавий ишини ижобий баҳолайман.

Тақризчи

п.ф.н. доц. Ж.Комилов.

**ГулДУ жисмоний тарбия ва жисмоний маданият таълим йўналиши IV босқич талабаси нинг «Мактаб ўқувчилари билан ташкил этиладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусида ёзилган битирув малакавий ишига илмий тақриз**

Мактаб ўқувчилари билан ташкил этиладиган жисмоний тарбия машғулотлари самарадорлигини мунтазам равишда ошириб бориш давр талаби ҳисобланиб, бунинг ечими сифатида дарс жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи Абдурахимов Ғофурнинг «Мактаб ўқувчилари билан ташкил этиладиган жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусида ёзилган битирув малакавий иши мазкур масаланинг ечимига қаратилгандир.

Тадқиқотчининг мазкур иши битирув малакавий ишини ёзишнинг барча талабларига жавоб беради. Ишда аниқ мақсад қўйилган, вазифалар тўғри белгиланган ҳамда илмий тадқиқот методларидан унимли фойдаланилган.

Ғ.Абдурахимов бу вазифаларни изчил амалга ошириб борган. Ушбу муаммога тегишли бўлган манбалар ўрганилган. Иш жараёнида умумий таълим мактабларида битирув малакавий ишига оид тажриба синови ишлари олиб борилган.

Икки босқичдан иборат эксперимент ишлари олиб борилиб, натижаларининг таҳлил қилиниши илмий фаразнинг тўғри қўйилганини тасдиқлаш билан бирга, ижобий яқун топганини кўрсатади.

Битирув малакавий иш юзасидан чиқарилган хулосалар ишнинг тўла яқунланганлигидан далолат беради.

Ғ.Абдурахимов томонидан ёзилган мазкур битирув малакавий иши тугалланган бўлиб ишни ҳимояга тавсия этаман.

**Тақризчи :**

**ГулДУ қошидаги академик лицей  
жисмоний тарбия ўқитувчиси А.Эргашев**